

Минг марта афсус десангиз ҳам жароҳат изи қолаверади



11:00 / 07.07.2022 3422

Бир йигит бор эди. У жаҳлдор, ғоятда асабий эди. У билан муомала қилган ҳар бир одам унинг табиатидан хафа бўлар эди. Бир куни отаси унга мих солинган халтани бердида, «ҳар гал асабинг бузилиб, жаҳлинг чиққанда, шу михлардан бирини олиб мана бу ёғочга қоқасан» деди. Йигит биринчи куниёқ ёғочга ўттиз еттита мих қоқди. Кун ўтган сайин йигит ўзининг ғазабини ичига ютадиган, асабларига эгалик қиладиган бўлиб борди. Шу зайлда ёғочга қоқиладиган михлар сони ҳам камайиб борди. Йигит ёғочга мих қоқишдан кўра, асабларини идора қилиш осонроқ эканини билиб қолди. Шундай кун келдики, унда йигит мутлақо асабийлашмади ва отасига бориб бугун бирорта ҳам мих қоқмаганини, асабларини идора қилаётганини айтди. Ота ўғилга яна бир таклиф билан мурожаат қилди: «Асабларингни идора қила олган кунинг биттадан ўзинг қоққан михларни

суғирасан».

Кунлар ўтиб, йигит барча михларни суғуриб бўлганини отасига айтди. Ота ўғлининг қўлидан етаклаб, уни мих қоқилган ўша ёғоч ёнига олиб борди.

«Михларни суғуриб, асабингни бошқара оладиган бўлганинг яхши, лекин ёғочдаги бу тешикларга қара, энди бу ёғоч аввалгидек, мих қоқилмаган аслига қайта олмайди. Сен одамларга ғазаб билан гапираётганингда уларнинг қалбларида худди шундай ҳолат юз беради. Сен неча марта афсусдаман деб надомат қилишининг аҳамияти йўқ. Барибир уларнинг қалбларидаги жароҳат излари қолаверади.

Хулоса

Асабимиз бузилган, жаҳлимиз чиққан пайтда кимгадир гапираётган бўлсак, мулойим, оғир-босиқ, муомала одобига амал қилиб гапирайлик. Суҳбатдошимизга асабимиз бузилганини сездириб қўймайлик. Чунки, ғазабланиш ўзимизнинг шахсий ҳолатимиз бўлиб, суҳбатдошимизни биздан чиройли муомала кўриш ҳаққи бордир. Энг яхшиси ғазабланган пайтда гапирмаслик, қарор чиқармаслик керак. Акс ҳолда кимнингдир қалбини ҳикоядаги ёғоч каби жароҳатлаб қўйишимиз мумкин.

Аллоҳ таоло барчамизни мулойимлик, ҳалимлик хулқи билан зийнатласин!

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади